

Амир Темур Шахси: Бадииятда Тарихийлик Принципи Ва Бадиий Тўқима

Узоқов Акрам Ҳикматович¹

Anatatsiya: Мазкур мақолада шоир ва ёзувчи Нурали Қобул ижодининг баъзи аспектлари таҳлил этилади. Жумладан, Нурали Қобулнинг “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва таҳт” асарларида Амир Темур образининг гавдаланиш тамойиллари ўрганилади.

Калит сўзлар: Шоир ва таржимон, манбалар, асосий жиҳатлар, бадиий бўёқлар, давр руҳи, хаётнинг мураккаб масалалари, тарихий воқеаларнинг бадиий талқини, инсоний этюдлар, яратувчанлик фаолияти, илмий-бадиий кузатув, бош қаҳрамон концепцияси.

Адабий жараён ва янгича тафаккурнинг меваси бўлган тарихий роман ўз бадиий худудига заминий муносабатларни, инсонга, реал ҳаётга хос воқеаларни, реалистик инсонлар образларини қабул қилди. Тўғри, роман, шу жумладан, тарихий роман бадиий майдонида файриоддий воқеалар, афсона, ривоятлар, илоҳий, мистик сиймолар иштирок этиши мумкин. Аммо бундай ҳодиса ва образларнинг иштироки эпос (эпопея) жанри намуналарида бўлганидек ҳал қилювчи, етакчи ўрин ҳамда аҳамиятга эга бўлмай, улар инсон тафаккури, дунёкараши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Диалектик дунёкараш таҳлил худудига тортилади ва янги давр, янги инсон онг даражаси, интеллектул савияси нуқтаи назаридан бадиий-фалсафий хulosалар, ечимлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, бу тарихий роман бадиий оламида 60–80-ҳамда 90- йиллардаги адабий-бадиий жараённинг, романчилик тараққиётининг бадиий-поэтик, фалсафий-диалектик савияси, анъана ва янгиликлари мужассам бўлган.

Бундан ташқари, бу романнинг бадиий структурал кенгликларида “асл эпос” (эпопея), жаҳон адабий-бадиий жараёни, айниқса, романчилигининг бадиий-поэтик, фалсафий тажрибалари, ютуқлари, бадиий принциплари ҳам ифода топган.

Шу тариқа Шарқ ва Ғарб адабиётларидаги илгор, қадимий ва замонавий адабий-бадиий анъаналар, тажрибалар миллий эстетик, фалсафий тафаккур заҳиралари, имкониятлари бирлашиб, мозийнинг муайян бир даврдаги кенг, мураккаб, зиддиятларга тўлиб-тошган ҳаёти манзараларини кўламдор, бадиий-эмоционал тарзда реалистик ижодий методнинг тарихийлик мезонларига мувофиқ гавдалантиришга имкон яратган.

Нурали Қобулнинг “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва таҳт” тарихий романини ўқиб чикиб, завол билмас тарихимиз ва Амир Темур ҳақидаги шу вақтгача мавжуд билим ва тасаввурлари янада бойигани, ўзи эса фикр ва туйғулар оламида, ўз-ўзидан ажабтовур бўлиб қолганини сезган муҳтарам китобхонга бир ой аввалги бошқачароқ – бу романнинг аввалги кисми ҳам бор эканлигини, яъни Амир Темур шахси ва шон-у шуҳратига бағишланган кўп жилдлик, мулоҳазаларга бой эпик асарнинг биринчи китоби сифатида “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” номли салкам беш юз сахифани ташкил этган романни 2011 йилда чоп этилганин ва у асар ҳақида юкоридаги фаслларда фикр юритдик. Мазкур асар эса, унинг мантикий давоми ва узвий қисми эканини билиш мумкин. Бу борадаги адаб маҳоратини аниқроқ та-саввур этиш ва улуғ амир довруғли фаолияти ҳақида ёзилаётган маҳобатли асари тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиш учун ўша биринчи китобни ҳам ўқиш зарурлигини айтиш лозим. Ўқувчида биринчи жилд ёзилгандан сўнг буниси бир йил ичидан ёзилгани, ҳақида мулоҳаза пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ва унга ойдинлик киритиш мақсадида кўп жилдлик бу эпик асар Нурали Қобулнинг фаолиятининг сўнгги йигирма беш йил мобайнидаги меҳнатлари эвази эканини таъкидлаш жоиз. Адибнинг мазкур “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва таҳт” романидан аввалги “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”ни ўқиган адабиёт ихлосмандлари - бу навбатдаги асарда биринчи романдан таниш бўлиб қолган қаҳрамонлар билан яна қайтадан учрашишади, албатта. Олдинги асар билан танишмаган ўқувчи эса, буни билиб қўйғанлари маъкул бўлади. Амммо биринчи китоб яхлит тугал мазмунга эга асар. Булар Темурнинг ўзидан ташқари амир Боботурк, амир Сайфуддин, Сароймұлхоним, Алп Туркаш, Ўтқун Тегин бахши, Тоҳир тарихчи, Тўхтамишхон ва бошқа қаҳрамонлар фаолияти хусусида маълумотлар берган. “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романни Амир Темур туғилиб, ўсган шароит акс эттирилишидан то унинг шахс ва инсон сифатида камол топиши, мамлакатни мўғуллар асоратидан холос этишдан бошлаб, Буюк империяга асос солиш йўлидаги азоб-уқубатлари акс этган. Бу борадаги жангу жадаллар мантиқан ўз ифодасини топган. Соҳибқироннинг инсон ва буюк император сифатидаги фаолияти ҳамда Тўхтамишхоннинг хон бўлиб кўтарилишида Амир Темурнинг хизматини поэтик ифодалаш орқали якун топганди. “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” асаридаги марказий фоя ўша шонли 1370 йилда Балхдаги воқеа,

¹ ГулДУ катта ўқитувчиси

яъни Темурнинг эски турк хоконлари анъанасига кўра оқ кигиз-га ўтказилиб, Турон амири деб эълон қилиниши, шу юксак макомга олиб келган куч-кудрат ва фақат жанг қуроли ва ҳарбий қучигина эмас, акли закоси, муросаюмадора, сулху битимга жой қолмаганда қилич иш тутишга мажбур бўлганини кўрсатишдан ҳам иборат эди. Буни Темур ўзининг тузукларида қайд ҳам этган. Дарҳакиқат, “Етти иқлим хокони ёхуд аҳд ва тахт” романидаги Амир Темур сиймоси ва унинг куч-кудратини, уларнинг шаклланиш ва оёққа туриш жараёнларини янада аниқроқ ва мукаммалроқ билиш учун, “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”ни ҳам ўқиб чиқишимиз зарур. Мутолаа фақат бу романдан бошланса, амир Темур даҳосининг қудрати, салтанати тарих саҳнидаги ишлари бу асардан бошлангандек таассурот қолдириши мумкин кишида. “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”да биз буюк бобомиз даҳоси ҳамда давлатининг оёққа туриш даври, шахсий ва ижтимоий қийинчиликлар, дастлабки иккιозламачилик ҳамда садоқатларнинг теран бадиий талқинларини кузатиш баҳтига ҳам эга бўламиз. Ўзбек адабиётida соҳибқирон ҳакида яратилган асарлар кам эмас. Уларнинг баъзиларини эслаш кифоя. Пиримкул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” публицистик асари, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси, Мухаммад Алининг “Улуғ салтанат” трилогияси ва бошқа асарлар бизга маълум. Темур ҳакидаги бу дараҷада ранг-баранг полифоник асарларни ўқиши, адибларнинг ранг-баранг услугуб ва маҳоратларини кузатиш, ҳамда ўзига хос бу бадиий дунё ҳакида мустакил мушоҳада юритиш имконияти фақат Мустақиллигимиз туфайлигина пайдо бўлди. Зеро, Амир Темур ҳакидаги янги бадиий асарларнинг бош максади ҳам мозийни фақат кўклирга кўтаришгина эмас, тарих зарварағида отабоболарини холис ва ҳаққоний бадиий тасвирлаш орқали мустақилликни янада мустаҳкамлаш, истиклолимизни янада юқсалтиришдан иборат эди. “Етти иқлим хокони ёхуд аҳд ва тахт” романи моҳияти билан тарихимизнинг бугунги бокий нурлари ва ўзликни янада чукурроқ, теранроқ англаш ҳакидаги ана шундай асардир. Китобхон, асар моҳиятини унинг номиданоқ пайқаш мумкин. “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”да Темурнинг буюк амир дараҷасига етмоғи жараёнларидаги тобланиш қиёфаси, ақлнинг уйғониш омиллари ва қилич билан мустаҳкамланиш сабаблари тасвирланса-да, “Етти иқлим хокони ёхуд аҳд ва тахт”да энди, Буюк амирнинг етти иқлим хоқони сифатида тан олиниши ва четлаб ўтилиши мумкин бўлмаган турли миқёсдаги юришларининг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ва қонуний асослари, инсоният тамаддунига фаол таъсир этган Темур дунёкараши ва фалсафаси, бу қиёфадаги миллий, диний, ижтимоий ва башарий рух, афсуски на ўтмиш ва на бугун манаман деган давлатларни бошқарган ва бошқарётганларда камдан-кам учрайдиган аҳд ва тахт бирлиги, шуларни жаҳон бадиий идроки натижасида ҳозирги китобхон томонидан ўзликни англаш муаммолари бадиий акс эттирилади. Темур ҳакида кўп ёзилди, ёзилмокда ҳам. Келгусида шубҳасиз яна ёзилажак. “Етти иқлим хокони ёхуд аҳд ва тахт” муаллифининг бу борада ўзигача ёзғанлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири шундаки, у Темур билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳамда феъл-атворидаги шу вақтгача такрор-такрор эътироф этилган маълумотларга яна аҳамият беришдан қочишга интилади. Уларга муносабат билдириш эҳтиёжи туғилганда эса, бу тарихий нуқталарнинг янги-янги фалсафий, ҳаётий кирраларини очишга эътибор қаратади. Ёритилаётган муаммолар ёхуд Амир Темур, Тўхтамиш, Идику Темур, Эртугрул Турон, Малик Букрот каби тимсолларга мустакил нуқтаи назар ва поэтик муносабатда бўлиш, ўзининг тарихга бадиий карашлари орқали имкони борича ҳозирги кун муаммолари учун ҳам бадиий ва илмий хулосалар чиқаришга интилиш романнинг етакчи хусусиятидир. Романда ҳар бири мустакил ўринни эгаллаган Жоку Барлос, Боботурк, Туркаш, Мироншоҳ, Ўткун Тегин бахши сингари кўплаб тарихий қаҳрамонларга дуч келишимиз аник. Роман жанрининг класик хусусиятларидан бири унда бош ва етакчи қатор қаҳрамонлар ҳаёт йўли, бу йўл ва қисматнинг муҳим босқичлари, уларнинг барчасини муштарак уйғунликда тутиб турувчи тарих ва замон образи гавдалантирилади. “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” муаллифи бу анъанани такрорламайди. Унга ижодий ёндашади ва роман жанри имкониятларини бойитиш йўлларини топишга ҳаракат қиласи. Қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли ва қисматини тасвирлаш йўлидан бормайди. Балки аксар қаҳрамонлар бош ғоя ва бош образ ҳарактерини очишга бўйсундирилгани ҳолда, кўпинча, фрагментар тасвирларда ўз ифодасини топади. Нурали Қабулнинг қаҳрамонлари, асосан, ҳарактернинг энг муҳим қирраларини очувчи аспектларда ёритиб борилади. Темур узоқ вакт, яқин-яқингача, гўё ўзга худудларни забт этмаса туролмайдиган, бойликка тўймайдиган, ўзга ҳукмдорларни зарарлантирмаса роҳат қилолмайдиган фотих сифатида таърифлаб келингани рост. Буларни тамомила инкор этучи тарихий манбаларнинг ўзи Темурнинг асл қиёфаси қандай бўлганини кўрсатишда ожизлик қиласи. Темурнинг ҳакиқий қиёфаси қандай бўлганини ана шу тарихий манбаларга суянган ҳолда фақат бадиий адабиётгина кўрсата олиши маълум. Адибнинг тарихий ҳакиқатга изчил асосланган бадиий талқинидаги Темур сиймосига муносабат масаласида узоқ асрлар мобайнида шаклланган стереотип тамоман бузилган. Коинот Оллохга тегишилдир, дейди асардаги лавҳалардан бирида Темур “Бу давлат, бу бойлик ва ҳудудлар барчамиздан қолади. Ҳеч ким уни нариги дунёга олиб кетолмайди. Жаҳонни забт этган буюк саркардалар ҳам бўш қўл билан кетган” Амир Темурнинг бу фикрлари шунчаки, гап эмас, унинг ҳаёти ва аъмолидан келиб чиққанини кўрсатиш романдаги бадиий концепциянинг марказий нуқталаридан бирини ташкил этади. Асарда кечувчи аксар воқелик ва бош қаҳрамон хатти-ҳаракати тасвиридаги ҳаётйлик ва ҳакконийлик шу қадар аник ва тиники, Темур юришлари ва феъл-атворидаги жараёнлар (ўзга мамлакатларда тинчлик, адолат ва исломни мустаҳкамлаш учун кўп ҳолларда шу юрт ҳалқи ва кайвониларининг даъвати билан юриш, Туронга ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётган муҳолиф ниятини пайқаб, аввалроқ отланиш, салтанат бирлигини парчалашгана ҳаракат қиласи турланганларга муносаби ҳарбий чора кўриш, муайян юришлар қилмасдан сукут сакланиши ташабbusни бериб кўйиш эканлиги ва бу масалада орқага чекинишга йўл йуқ эканлиги, аксар юришлар шу боис, ноиложлик ва мажбуриликдан иборат бўлганининг моҳияти тарихий қонуниятдан келиб чиқканлигига адид китобхонни тўлиқ ишонтира олгани эътиборни тортади. Адиб маҳорати боис, тасвирланаётган айрим воқеа-ҳодисалар айнан тарихий ёки шунга яқин эканини китобхон деярли унтиб ўқиди. Шу сабаб ёзувчининг маҳорати тасвирланаётган тарихий ҳакиқатга жон киритади ёки акс этаётган воқеа

адиб тахайюлида тамоман қайта ишланиб, бадий тус олади ва янги бир ҳаётий ҳақиқатга айланади. Шу маънода Амир Темурдан бошка қаҳрамонлар образи ҳамда сюжет линияларининг қай бири тарихий ҳақиқату, қай бири бадий тўқима эканини ажратиб олиш осон кечмайди. Бундай ҳол тарихий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқат ҳужайралари билан тўлдирилиши туфайлигина содир бўлади. Тарихий роман ёзишдаги энг қийин ва айни пайтда, асар муваффакиятини белгиловчи хоссалар мана шу нуктада кесишади. Нурали Кобул маҳорати ана шу хоссалар кесишган нуқталарда аён бўлади.

Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон”асари. Ҳатто Амир Темур яшаган давр тасвири ҳам романда ўтмиш образини ифодалашга хизмат қиласди. Шу маънода тарихий романлардаги образлар тизими бошка романлардагига нисбатан бир мунча мураккаб хисобланади. Чунки бу ерда бир образнинг бошка бир образ билан ўзаро тенг даражадаги муносабати муҳим саналади. Чунки романда бир деталь-образ бошка бир персонажнинг характеристини ёки тарихий шахс образи зиммасидаги бадий-эстетик юкламасини очиб беришга хизмат қилиши мумкин.

“Хар қандай асар – ҳажман кичик ёки катта бўлишидан катъий назар - мукаммал характеристлари, хотираға муҳрланиб қоладиган бетакрор эпизодлари билан адабиёт майдонида воеа бўлади; умрбоқийлик мақомига эришади”². Шу маънода Нурали Қобул мазкур романида даврнинг бетакрор тасвири, образлар тизимида ҳам мукаммал характерист ва бетакрор эпизодик образлар талайгина. Ана шулардан Нажмиддин Кубро, Султон Алоуддин Хоразмшоҳ, унинг ўғиллари Султон Жалолиддин, Рукниддин, синглиси – Мазондарон маликаси Шоҳ хотун, бош фаррош (шоҳга дастурхон тайёрловчи, гилам тўшовчи) Муқорибиддин ал Шош Фаррош, отбокар Шамсиддин Ҳаққул образлари хисобланади.

Ёзувчи хоразмшоҳларга бағишлиланган бобларда сюжет чизигини тўғри тасвиirlар экан, “сюжет тизимидағи изчиллик ёзувчи гоявий ниятидан келиб

чиққан холда, характеристнинг шакллантирилиши билан боғлиқ тарзда акс эттирилади” деган тамойилга асосида иш кўради³. Масалан, Султон Алоуддиннинг сўнгги куни ва унинг ўлими ҳақидаги хабарни султон Жалолиддинга етказиши билан боғлиқ сюжет линиясидаги изчиллик отбокар ва бош фаррош характеристларини намоён этиб, улар ёрдамида Алоуддин Хоразмшоҳ ва Мангуберди характеристлар қирралари тўлдирилган, давр тасвири жонлантирилган.

Ёзувчи Жалолиддин Мангубердининг тилларда достон бўлган жасорати, шиддатли юришлари, мўгулларнинг улкан қўшинини енгидиб, арабларни довдираб, Хурросон, Кавказ, Ўрта ва Якин Шарқда ғалаба қозониши ҳақида эмас, балки шу пайтгача биз кўрмаган мўминлиги, яъни отасининг кулаётган мамлакат таҳтини, салтанат қиличини кимга беришини охирги дамгача сабр ва изтироб билан кутиб турганинг бадий ифодаси ҳамда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга атаб Исфаҳонда мадраса қурдиришга фармон бергани акс эттирилган. Гарчи эпизодик образ сифатида келтирилган бўлса-да, унинг ёдда коладиган характеристли жиҳати Хоразмшоҳлар фожеасини яна бир бор кўрсатиб, романнинг умумий мазмунига салмок бағишилаган, дейиш мумкин. Таҳтидан айрилган Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ кичик ўғли, Ироқ ҳукмдори Рукниддин Гурчантини хузурига йўл олади. Аммо ўғил отасини кутгани ўзи эмас, вазири Имодулмулк ас-Савийни юборади [197]. Бу вазир ҳам хиёнатчи, аслида Рукниддиндан қасд олиш учун пайт пойлаб юрган киши эди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Амударёдан кечиб ўтгач, не қиларини билмай Нишопурга боради. Ҳамма жойда мўгуллардан қўрқан шаҳар ҳокимлари собиқ шоҳларини совуқ қарши олишарди. Ҳатто ўғли Рукниддин ҳам ўттиз мингдан ортиқ қўшини ва қўлида ҳукмдорлиги бўлиб, отасини совуқ кутиб олади. Тезроқ отасидан кутилиш пайида бўлади. Чунки у мўгуллардан қўрқарди. “Илк учрашувдаёт ота-болалик туйгуси ўғлининг нигоҳида йўқолгандек. Унинг қош-қовоғида, юриштуришида ҳам илгариги илиқлик ва самимиятни туймагач, дунёнинг ярмини сўраб турган султонликдан, оқибатсиз фарзандларининг қўлига қараб қолган чорасиз қарияга айланганини ҳис этгандек бўлди, ич-ичидан тўлиб-тошиб келаётган йиғи ва ҳайқириқ аралаш бир нарса бўғзига тикилди. Кўзида ғилқиллаб турган ёш аллақачон ок оралаган соқолли юзи узра айланиб оқарди” [198]. Келтирилган парчада султоннинг портрети ва руҳий ҳолати таъсирили сўзлар орқали тасвирланар экан, ёзувчи давр фожеасини ота ва боланинг самараасиз учрашувида баён этади.

Шу ўринда аввалги бобда Амир Темур ва Тўхтамишхоннинг ўз фарзандларига қилган икки хил муносабатини таҳлил этганимизга қўшимча сифатида Туркон Хотун, Султон Муҳаммад ва унинг ўғли Рукниддинларнинг ўзаро муносабатини яна бир бор қиёслаш имкони юзага чикади. Тўғри, “Маълум бир шароитда, бир муҳитда, бир маконда, аммо турли вақтда мавжуд, мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлиши мумкин бўлган адабий ҳодисаларни қиёслаш керак бўлганда, иккинчи вазият юзага келади. Шу билан бирга, турли вақтда, аммо жуда ўхшаш вазиятларда мавжуд бўлган ҳодисаларни қиёслаш – қийин вазифа”⁴ саналади. Аммо бу турдаги қиёслаш усули қиёсланувчи образларнинг тарихий бирлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Умид билан фарзанд хузурига келган ота ва душман эътиборини тортмаслик учун отасидан тезроқ қултулиш пайида бўлган ўғил тимсолида Хоразмшоҳлар салтанати ва улар яшаган даврнинг аянчли тасвири ифодаланган. Қанча оғир бўлмасин, бу жамиятни Ануштегинлар ўzlари яратган эдилар. Маънавий қашшоқлик, руҳий инқироз, душман олдиди

² Карим, Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Fafur Fulom nomidagi нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.29.

³ Кўйлиева Г.Н. Ўзбек насирида трилогия. Фил.фан. б.фал. доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б.15

⁴ Ўраева Д., Тўраева Б. Тарихий роман сюжетида вақт тушунчасининг коинот ва табиатга оид билимлар орқали ифодаланиши // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – Б. 194. <https://uzjournals.edu.uz/pholom/vol2020/iss1/7>

саросималар даҳшатли эканини Рукнiddин образида берилади. Унинг ифодаси ўқувчи қалбида афсус-надомат, қаҳр-ғазаб уйғотади. Шу ўринда, романда Амир Темурнинг ўғли Умаршайх мирзо Мазондарон тоги этакларида форс диёрини бошқариб турганда юборган хати ва ушбу хатни ўқиб бўлгач, хат мазмунини отасидан қизикиб сўраган ўн ёшли ўғли Рустам ўргасидаги сухбатни қиёслаш мумкин [344-346]. Зеро, адабиётшунос М.Шарафутдинова таъкидлаганидек, “тарихий ҳодиса тафсилотларини ифодаловчи мактуб шарҳ ёки тарихий воқеалар баёни вазифасини бажариб, кейинги бобларда батафсил тасвирланади ва муаллиф баёнида давом эттирилади”⁵. Дарҳақиқат ёзувчи воқеаларга инсонпарварлик, ўғил, набира учлиги ўргасидаги муносабатларга самимият, ишонч, меҳр, ҳаётсеварлик гояларини бериб, асарнинг айнан шу ердаги баёнида ҳам сара сўзлар, киши қалбига илиқлиқ берувчи жумлалар келтиради, роман умумий кечинмасига кўтарикилиқ олиб киради.

Амир Темурнинг етти иқлим хокони, Соҳибқирон ва ҳоказоларгина эмас, айниқса оддий инсон сифатидаги фазилатлари тасвири бу образга янада ҳаётийлик ва жонлилик баъз этади. У адирда зира ва кийик ўти териб юрган, жайрон боласига меҳрибонлик кўрсатиши ва хатто қўзига ёш келиши, боғига баъзан ўзи дараҳт экиши, кайфиятга караб, уларни парвариш қилиши, овни яхши кўргани билан бирор бир жониворга ўқ узмагани, болалик ва ўсмирлик чоғларидағи дўйстлари билан учрашувда ўзини тутиши, таранг бир вазиятда тогаси Жаку Барлосга қўпполлик килиб, яхши гаплашмай, хузуридан чиқариб юборгани учун, фурсати келганда маҳсус мактуб орқали ундан узр сўраши, куртовани, кулчатойни хуш кўриши, тол товоқда курут эзилишини кузатиши, айб, хато ва баъзан, хатто соткинлик қилганларга муруват кўрсатиши, падари бузрукворини соғиниш тасвирлари, Эрон ва Ироқ фатҳидан сўнг Самаркандга олиб кетилаётган олим, шоир, нақош, меъмор, созандаларга қўрсатилган ҳурмат ва илтифот, шу холатдаги сўз эркинлигига муносабат ва бошқалар тасвиридаги Амир Темур қиёфаси уни китобхонга худди ўзига ўхшаш бир оддий инсондек яқинлаштириб кўяди. Бундай ҳолатлар тасвирида ёзувчи ўз қаҳрамонининг бугунги, замонавий қиммати ва аҳамиятини очишига алоҳида эътибор беришини таъкидлаш ўринлидир.

Хусусан, Темурнинг ижодкорларга, сўз эркинлиги масаласига муносабати уни ҳозирги ҳаётимиз билан янада яқинлаштиргандек бўлади. Аслида, бутун асар буйлаб ўтувчи бу рухни роман гоявий-бадиий структурасидаги бир неча мисол орқали кўрсатишнинг ўзи кифоя қиласи. Амир Темур қиёфасини ичдан ёритувчи мунтазам хушёрлик ва огоҳлик, ўзини ниҳоятда дўст ҳамда садоқатли кўрсатгани билан, аслида, чўнтағидаги тошни қулагай пайт келди дегунча ишга солишига тайёр айрим хукмдорларга нисбатан доимо сергаклик, ганим юриш-туриши ва уй-фикрлари, режаларига беларво бўлмаслиқ, бош қаҳрамон тилидан айтилган, ёзувчи дунёқарашининг бир учини акс эттириб турувчи: оддий бир эътиборсизлик, баъзан, хатто тарих ғилдирагини бошқа томонга буриб юбориши мумкин.

Тарихий-бадиий асар яратувчи адиб кечмиш воқеа-ҳодисаларни қайта идрок қиласи. Ана шу жараёнда ҳар бир воқеа, сўз бадиий эстетик юклами олади. “Бинобарин бадиийлик муаммолари тадқиқ этилар экан, бунда ўта мураккаб ва ўта мукаммал тизим ичига кирилади. Бундай тизим ичидаги ҳар бир унсур бошқалари билан ўзаро кўп хилдаги таъсир ва алоқада бўлади, сўз эса оддий мулоқот куролидан образга, образ эса образлар тизимиға, образлар тизими бадиий ҳақиқатга, бадиий ҳақиқат эса асар (ижодкор) концепциясига айланади”⁶. Демак, тарихий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат ўргасида турли таъсир ва алоқа бўлиши мумкин. Хусусан, Амир Темур тарихига оид манбалар ва тадқиқотимиз объекти ўргасидаги муносабат, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга, ундан ўсиб ёзувчи ижодий концепциясига айланиш жараёнини кузатиш зарурати пайдо бўлади.

Нурали Қобул эса мустақиллик даврида жамият олдида турган янги давлат ва жамият куриш назарияси, амалиётини миллий асосда қайта бадиий идрок этишни мақсад этган. Бу йўлда энг асосий манба шубҳасиз, Амир Темур курган Турон салтанати эди. Бироқ тарихдан маълумки, туркий халқлардан чиққан қатор подшоҳ, сulton ва амирлар Корахоний, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмийлар каби сулолаларни ҳам бунёд этишган. Уларнинг ҳам тажриба, ютуқ, камчилик, нуқсон ва хатоларини ўрганиш зарур эди. Шунинг учун ёзувчи Амир Темур образи орқали туркий давлатчилик тараққиётини бадиий акс эттиради, ўнинчи-ўн бешинчи асрлар оралиғидаги беш юз йиллик даврга бадиий-эстетик баҳо беради. Масалан, юқорида эътибор берганимиз – элчи ва унинг ҳамроҳларини кутиб олиш маросими романда Шомийдагидан тубдан фарқ қиласи. Хусусан, Шомий баён этган элчи Соҳибқиронга Тўхтамишхон номидан айтган гаплар ва унга Амир Темурнинг оталарча меҳрибонлик қилгани ҳақиқати суҳбат келтирилмайди. Аммо Шомий асарида қайд этилган ва элчи томонидан айтилган гаплардан парча тарихий романнинг биринчи бобида эпиграф сифатида айнан келтирилган [8]. Факат уни Нурали Қобул мактубидан деб беради. Шомий эса элчи ва унинг ҳамроҳларининг Турон ўрдусидаги ҳаётига кўпроқ тўхталади. Шомий асарида эса бу ҳақда бир оғиз жумла берилади, холос. Лекин тарихий романнинг бадиий хусусиятидан келиб чиқиб, муаллиф унга ўзгача тус берган. Яъни элчилар ўз қавмидан қочиб Амир Темур ўрдусида паноҳ топган ватандошларини кўриб колиши асл манбада келтирилмайди. Лекин бадиий мантиқдан келиб чиқилса, диспозицияда кўрилмаган воқеанинг композицияда келтирилиши асардаги бадиий ҳақиқатни янада теранлаштиришга хизмат қилган. Иккинчидан эса, ўрдудаги барча воқеалар ва ундаги кишилар турмуши ҳамманинг кўз ўнгидаги бўлгач, элчилар ва Идику Манғит, Кутлуг Темурлар ўзаро учрашмасликларининг иложи йўқ эди. Шунинг учун ёзувчи уларни бир дастурхон атрофида учраштириб, асарга бадиий тўқима киритган.

⁵ Шарафутдинова М.О. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы. Автореф. дисс... док.фил.наук. – Ташкент, 2010. – С. 17.

⁶ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б.34-35.

Бундан ташқари, “роман бадиј композиция ва қурилишидаги ёзувчининг кўпда сезилавермайдиган, лекин, маҳорат ва усталик билан тутган йўлини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлар эди. Ёзувчи асар бошидан охиригача бирор бир бобда сюжетни анъанавий усулда ривожлантириш йўлини тутмайди”⁷. Яъни улкан тарихий воқеаларни замон ва макон бирлигидаги яхлит оқимда кўрсатиб беради. Натижада асосий ўринга шахс эмас, у билан боғлиқ воқеа чиқади. Аслида эпик асарнинг бош талаби ҳам *воқеа-шахс-воқеа* тарзда кечиши бор гап. Бироқ ёзувчи тарихий воқеликни юқоридаги формула тарзида қайтармайди, балки *тарихий воқеа-шахс-бадиј воқеа-ижодий концепция* тарзда қайта қуради. Аввалги формула нисбатан кенгроқ маънони ифодалаб, ундағи воқеанинг макон ва замон нуқтаи назардан аниқ эмас эди. У шу замонда ёки келажакда ҳам бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, унга ўзига хос тарзда ёндашади. Жумладан, Шомий кайд этган Амир Темур нутки эътиборга лойик бўлиб, ёзувчи асарида унга тегишли мазмун ва воқеалар тарихий романнинг иккинчи жилди ва учинчи жилднинг дастлабки бобларига сингдириб юборилган. Натижада романнинг тафаккур қўлами кенгаяди. Унда ёзувчи Амир Темурнинг шахс сифатидаги улкан ижтимоий-сиёсий қарашларини ифодалайди. аксарият ўринларда воқеликка объектив қарашга интилади. Зоро “Хозирги замон назарий тадқиқотларидағи хуносаларга таянган ҳолда романнинг, аниқроғи, реалистик романнинг бош жанр хусусиятлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Асарларда романга хос тафаккурнинг мавжудлиги, фикрий-фалсафий кўламдорлик.
2. Шахс ва ҳаётнинг янгича концепцияси.
3. Шахс ва ҳаётнинг худди кўзгудагидек ҳолис – объектив ифодаси, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, ҳақиқатнинг ёзувчи шахсий майллари, қарашларидан устунлиги – устуворлиги”⁸ ҳақидаги У.Норматовнинг мазкур таснифуни тарихий реалистик романларга ҳам жорий этиш мумкин. Фақат унга бироз ўзгартириш киритиш зарур. Бизнингча, мазкур таснифнинг иккинчи бандини тарихни ҳолис акс эттиришда ижодкорнинг янгича бадиј-эстетик концепцияси, учинчи банд эса тарихий ҳақиқатни бадиј ҳақиқатга айлантириш ҳамда шу йўл билан жамиятнинг идеалига мос ижодий концепцияни яратиш, деган жумлалар ўзгартирилса мақсадга мувофиқроқ бўлар эди.

⁷ Назаров Б. Тарихий ҳақиқат ёғдулари ёхуд ўзликни бадиј англаш (Сўнгсўз) / Нурали Қобул. Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва таҳт. – Тошкент: Sharq, 2014. – Б.473.

⁸ Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2010. – Б.194.